

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НИЗАМОВА ШАҲНОЗА УБАЙДУЛЛАЕВНА

ЎЗБЕК ТАХАЛЛУСЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ-ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Низамова Шаҳноза Убайдуллаевна Ўзбек тахаллусларининг тарихий-лисоний тадқиқи	3
Низамова Шаҳноза Убайдуллаевна Историко-лингвистический анализ узбекских псевдонимов	27
Nizamova Shakhnoza Ubaydullayevna Historical and linguistic study of Uzbek nicknames.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	55

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НИЗАМОВА ШАҲНОЗА УБАЙДУЛЛАЕВНА

ЎЗБЕК ТАХАЛЛУСЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ-ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.1.PhD/Fil 357 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Кўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.namdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Улуқов Носиржон Мухаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шахабитдинова Шохиди Хошимовна
филология фанлари доктори, профессор

Ҳусанов Нишонбой Абдусатторович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Фарғона давлат университети


Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020. Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» 08 соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй, Тел.: (99869)227-07-61; факс: (998)69-227-01-44; e-mail: info@namdu.uz).


Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (574 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй, Тел.: (99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 08 кун тарқатилди.
(2021 йил «12» 08 даги 6 рақамли реестр баённомаси).




Ҳ.А.Жўраев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д, профессор


И.Ў.Дарвишов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


М.Ю.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ижтимоий-сиёсий, миллий-маданий, этнографик, бадиий-эстетик моҳиятга эга ономастик бирликларнинг энг қадимий ва асосий тури антропонимик бирликлар: исм, фамилия, отаисм, лақаб ва тахаллусларни илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш доимо эътиборда бўлиб келган. Халқаро тиллар, жумладан, рус тилида қадимий даврлардан бошлаб ўзига хос номинатив, функционал-семантик белги-хусусиятлари билан тавсифланувчи антропонимик бирликлар – тахаллуслар тўпланган ва уларнинг тарихий ҳамда замонавий кўп томли изоҳли, комусий луғатлари яратилган. Ҳозирги кунга келиб, тахаллусларни замонавий тилшунослик тамойилларида тадқиқ этиш ва миллий тахаллусларнинг электрон, энциклопедик луғатларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида ономастика, хусусан, антропонимика ривожланган ва илмий такомилга эришган соҳа ҳисобланади. Антропонимик бирликларни тадқиқ этиш борасида муайян тажрибалар тўпланган, илмий мактаблар ва йўналишлар шаклланган. Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий, адабий, маданий омиллар таъсирида бойиб, вазифавий, тузилиш жиҳатидан ўзгариб, такомиллашиб бораётган антропонимик бирликлар, хусусан, тахаллусларни тарихий ҳамда замонавий аспектларда тадқиқ этиш кун тартибидаги зарур вазифалардан бирига айланди.

Бугунги кунда ўзбек тилининг исм, фамилия, отаисм каби антропонимик бирликлари тадқиқи борасида муайян ютуқ ва натижаларга эришилган бўлса-да, тахаллусларнинг лексик-семантик, ясаиш хусусиятлари монографик тарзда ўрганилмаган, уларнинг тарихий-лисоний такомилли юзасидан илмий-назарий умумлашмалар чиқарилмаган. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”¹. Шу жиҳатдан ўзбек тахаллусларининг тарихий-лисоний такомиллини асослаш, лексик-семантик, номинацион-мотивацион, услубий, ясаиш, тузилиш хусусиятларини очиқ бериш ана шундай вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // www.lex.uz

оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Кўкон давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуидаги истиқболли илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётшунослар Э.Бертельс, В.Абдуллаев, И.С.Брагинский, П.Қаюмов, В.Зоҳидов, А.Ҳайитметов, Ё.Исоқов, Н.Маллаев, Т.Қораев, Р.Воҳидов, Б.Валихўжаев, ПА.Қаюмов, О.Носиров, Э.Ахмадхўжаев, М.Ҳасанов, И.Ҳаққулов, Қ.Эргашев, С.Рафиддинов, А.Қурбонов ва тилшунослар А.Рустамов, Э.Бегматов, Ш.Шукуров, Н.Хусановларнинг тадқиқотларида ўзбек тахаллусларининг адабий, лисоний хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, ёзувчилардан А.Навоий, С.Айний, Ғ.Ғулум, А.Қодирий, Муқимий, Ойбек, А.Қаҳҳор ва бошқаларнинг асарларида тахаллусларга доир қимматли маълумотлар бор.

Э.Бегматов ўзбек тилидаги тахаллусларни антропонимик бирликлар доирасида ўрганган ва уларнинг белги-хусусиятларини умумий тарзда ёритган², Т.Қораев, Р.Воҳидовлар тахаллусларни тўплаган, адабиётшунослик аспектида тадқиқ этган³, Н.Хусанов тарихий антропонимлар сирасида айрим тахаллусларни таҳлил қилган бўлса-да, ўзбек тилшунослигида тахаллуслар махсус тўпланмаган ва монографик тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили тахаллусларининг лексик-семантик, номинацион-мотивацион, структурал ва деривацион хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тахаллусларнинг антропонимик бирлик сифатидаги вазифаларини аниқлаш;

ўзбек тахаллусларининг ижтимоий, лисоний-бадиий тараққиёти ва тақомилини очиб бериш;

тахаллусларнинг бошқа антропонимик бирликлар билан боғлиқлик ва фарқли жиҳатларини очиб бериш;

² Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси: Филол. фан. док. ... дис. – Тошкент, 1965. – 483 б.

³ Қораев Т., Воҳидов В. Тахаллуслар. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.6-7.

тахаллусларнинг касбий хосланиши, луғавий, номинацион-мотивацион асосига кўра таснифи ва таҳлилини бериш;

айрим тахаллусларни лексик-семантик таҳлил қилиш;

тахаллусларнинг деривацион усуллари ва моделларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тазкиралар, адабиёт дарсликлари, мажмуалар, энциклопедик луғатлар, бадиий ва оммавий матбуот нашрлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек тилидаги адабий, сиёсий ва бошқа турдаги тахаллусларнинг тарихий-лисоний хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий-тарихий, лексик-семантик, номинацион-мотивацион усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижодкор ва санъаткорларнинг исм, фамилия, отаисмига нисбатан кўшимча номларини ифодаловчи тахаллусларнинг антропонимик бирликлар сирасидаги функционал-семантик ўрни, пайдо бўлишининг тарихий, адабий, ономастик омиллари ва лексик-семантик, функционал, прагматик жиҳатлар билан боғлиқ лисоний мақоми белгиланган;

тахаллусларнинг бошқа исм, фамилия, лақаб каби асосий ва кўшимча антропонимик бирликлар билан боғлиқ муштарак ономастик қирралари ва улардан маънавий, эстетик дид, орзу-умидлари ифодаси сифатида шахсан танланиши, вазифаси, қўлланиш доираси ва даражасига кўра фарқланиши далиллар асосида очиб берилган;

ўзбек тахаллусларининг ижтимоий, лисоний-бадиий такомилли ва тараққиёти ҳамда шахсни аташ, уни бошқа шахслардан фарқлаш, у билан боғлиқ ғоявий, ахборот ифодалаш, миллий-маданий, бадиий, ҳиссий таъсир этиш каби лисоний вазифаларни бажариши далиллар асосида очиб берилган ҳамда тахаллус танлаш юзасидан миллий-маданий, адабий, лисоний мезонларга асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўзбек тахаллусларининг касбий хосланиши, мотивацион асосига кўра таснифи ва тавсифи, тузилишига кўра содда, кўшма ва мураккаб тузилмалар турлари ҳамда морфологик асослари, лексик-семантик, морфологик усуллар билан ясалиши, бошқа ономастик бирликлар трансонимизацияси асосида ҳосил бўлиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўзбек тахаллусларининг тадқиқи натижасида чиқарилган хулоса ва талқинлар ҳозирги ўзбек тили ономастикаси, хусусан, антропонимикасини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши, тилшуносликнинг лексикология, лексикография, сўз ясалиши соҳалари ҳамда адабиётшунослик бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

ўзбек тили тахаллуслари изоҳли луғатига манба бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда, хулосалар қилиш

имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг материаллари ўзбек тили антропонимикасини таҳаллусларнинг лисоний: лексик-семантик, услубий, деривацион хусусиятлари ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг материаллари, натижа ва хулосалари ўзбек тили лексикологиясига оид дарслик ва қўлланмалар ёзишда, олий ўқув юртларида антропонимика бўйича махсус курслар, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида ёзувчи ва шоирларнинг ижодини ўргатишда манба ҳамда материал вазифасини бажариши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили таҳаллусларининг тарихий-лисоний тадқиқи бўйича олинган илмий натижалари асосида:

таҳаллусларнинг лисоний мақоми, бошқа антропонимик бирликлардан фарқли жиҳатлари, бадиий-эстетик функцияси, ижтимоий, лисоний-бадиий тақомили ва тараққиёти, лексик-семантик таснифи ва номинацион-мотивацион тавсифига доир хулосалардан Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган Ф-7.2.1 рақамли “Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишнинг инновацион методлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-3820-сон маълумотномаси). Натижада ишнинг ўзбек тилида атоқли отларнинг лексик-семантик, ясалишига доир қисми назарий қарашлар ва далиллар билан мукаммаллашувига эришилган;

таҳаллусларнинг тилшуносликда тутган ўрнига оид хулосаларидан Қўқон давлат педагогика институтида 2015-2018 йилларда бажарилган ModeNED “Институт ва университетларда соғлиқни сақлашга оид фанларни модернизациялаш” мавзусидаги халқаро лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-3820-сон маълумотномаси). Натижада ишнинг атоқли отлар тизимига доир қисми илмий жиҳатдан мукаммаллашган.

ўзбек таҳаллусларининг юзага келиши, номинацион-мотивацион, лексик-семантик хусусиятлари ва вазифаларига доир илмий хулосаларидан 2020-2021 йилларда Ўзбекистон миллий телерадио компанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллий маънавият” эшиттиришларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2021 йил 9 февралдаги 04-25-1178-сон маълумотномаси). Натижада радиодастурларнинг таъсирчанлиги ортган, илмий далилларга бойлиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (4 та республика ҳамда 3 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва илова тарзида берилган таҳаллусларнинг умумий рўйхатидан иборат бўлиб, 207 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таҳаллус – антропонимик бирлик сифатида”** номли 1-бобида таҳаллус термини, унинг талқини ва таърифи, бошқа антропонимик бирликлар билан муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари, юзага келишининг нолисоний ва лисоний омиллари, тарихий ва замонавий манбалари, тадқиқи масалалари ёритилган.

Бобнинг **“Таҳаллусларнинг лисоний мақоми”** номли бўлимида таҳаллус ва унинг лисоний мақоми масаласи тавсифланган.

Кишиларнинг исми, фамилияси, отаисми, таҳаллуси ва лақаблари антропонимик бирликлар ҳисобланади. Бошқа антропонимик бирликлар ва таҳаллус ўртасидаги боғлиқлик қуйидагиларда кўринади:

1. Исм, фамилия, отаисм, лақаб ва таҳаллуслар антропонимик бирликлар сирасига киради. Бу жиҳатдан улар умумийликка эга.

2. Таҳаллуслар исм, фамилия, отаисмдан ҳосил қилиниши мумкин. Бундай таҳаллуслар исм-таҳаллуслар деб аталади.

3. Лақаб ва таҳаллуслар шахснинг асосий исми, фамилиясига нисбатан қўшимча ном ҳисобланади, бу жиҳатдан улар яқинлик ва умумийликка эга. *Лақаб* термини ўтмишда таҳаллус маъносида ҳам қўлланган. Баъзи ижодкор ва санъаткорлар ўз лақабларини таҳаллус сифатида қабул қилганлар. Бундай таҳаллуслар лақаб-таҳаллуслар деб юритилади.

Тил тарихида *тахаллус* тушунчаси *лақаб*, *қуня* сўзлари билан ҳам ифодаланган, бироқ улар бошқа-бошқа бирликлар, уларни фарқлаш лозим. Таҳаллус ва бошқа антропонимик бирликларнинг фарқли томонлари ўрганилган⁴. Шу боис биз бу масалага алоҳида тўхталмадик, фарқли

⁴ Рашитова М. Таҳаллус ва лақаб // Республика ёш тилшуносларининг конференцияси тезислари. – Тошкент, 1995.– №7.– Б.89-90. Ўша муаллиф. Исм, таҳаллуслар ва лақабларнинг ишлатилиш хусусиятлари //

қирраларини манбаларга таянган ҳолда жадвал шаклида бердик (Қаранг.1-, 2- жадваллар).

Тахаллус луғавий бирлиги асли араб тилидан ўзлашган бўлиб, “ўзини ўзи қутқариш, озод қилиш, халос бўлиш” маъноларини билдиради. Кейинчалик унинг маъно-мундарижаси кенгайган ҳамда илмийлашган. Тахаллусни антропонимик бирлик сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин: “бирор ижодкор (шоир, ёзувчи), санъаткор (рассом, бастакор, қўшиқчи, раққоса)лар, олим, сиёсий арбобларнинг асл исми билан биргаликда ёки уларнинг ўрнида қўлланадиган, шахснинг ўзи томонидан танлаб олинган, бошқа иккинчи номи”.

Олимлар тахаллусни VII асрда пайдо бўлган деб тахмин қилишади⁵. Озарбайжон тадқиқотчилари тахаллусларни XII асрда пайдо бўлган деб таъкидлашади⁶. Қозоқ, тожик ва эрон адабиётида тахаллуслар IX асрда пайдо бўлган деб қаралади. Бу халқлар билан ёнма-ён яшаган ва доимий сиёсий ҳамда маданий алоқаларда бўлиб келган ўзбек халқида ҳам тахаллуслар IX-X асрларда оммалашган деб айтиш мумкин.

Ҳар қандай антропонимик бирлик, жумладан, тахаллуслар маълум номинация эҳтиёжи туфайли юзага келади. К.С.Мочалкина, В.Г.Дмитриев, С.Колосовалар томонидан тахаллусларнинг пайдо бўлиш сабаблари турлича изоҳланган⁷.

О.Носиров Е.Э.Бертельснинг мулоҳазаларига⁸ таянган ҳолда, тахаллусларнинг пайдо бўлиши борасида қуйидаги фикрни айтади: “Классик шеърятдаги жуда кўп терминлар уйга алоқадор сўзлардан тузилган (масалан, байт – уй, рукн – устун, тарсеъ – айвон ва бошқалар). Шоирлар ҳам ўз асарларини маълум даражада бинога ўхшатган бўлсалар, шеър охирига тахаллус қўйиш – меъморнинг ўзи қурган бинога номини ёзиб қўйишдек бир ҳодиса экани ажабланарли эмас”⁹. Олим ўз қарашларини: “Албатта, тахаллуснинг пайдо бўлишида бошқа сабаб ва омиллар бўлиши ҳам мумкин. Аммо юқорида айтилганларнинг ўзиёқ тахаллус қўллаш маълум ижтимоий, ҳаётий сабаблар натижасида, ҳаёт ва турмуш талабларига жавоб сифатида пайдо бўлганини кўрсатиб турибди”, – дея хулосалаган¹⁰.

Бобнинг 2-бўлимида **“Ўзбек тахаллусларининг тарихий манбалари ва тадқиқи”** масаласи ёритилди. Ўзбек тарихий адабий тахаллусларини тўплаш ва тадқиқ этишда дарслик, адабий мажмуа ва тазкиралар муҳим манба ҳисобланади.

Республика ёш филологларининг анъанавий илмий конференцияси тезислари тўплами. – Тошкент, 1996. – Б.35.

⁵ Қораев Т., Воҳидов Р. Тахаллуслар. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 22.

⁶ Пашаев А. Азэрбайсан тэхэллйслэринин изахл сөзлүйй – Баки: Элм вэ тэхсил, 2016. – Б.15.

⁷ Мочалкина К.С. Псевдонимы в системе современной русской антропонимии: Дис. ... филол. наук. – Волгоград, 2004. – С.7; Колосова С. Энциклопедический словарь псевдонимов. – М.: Научная книга, 2017. – С.8; Қораев Т., Воҳидов Р. Тахаллуслар. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.31-32.

⁸ Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – М.: ИВЛ, – С.519.

⁹ Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б.14.

¹⁰ Носиров О. Ўша аср, 15-б.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси¹¹ XV аср адабий муҳити таҳаллуслари сирасини ўрганишда ноёб манбадир. Асарда XV асрда Хуросон ва қўшни мамлакатларда яшаган 459 та форсий ва туркий шоирлар ҳамда уларнинг ноёб, бетакрор таҳаллуслари келтирилган¹².

Тазкирада шоирлар хронологияга (I, II, III), яшаш ҳудудига (IV), касб-кори ва мансабига (V, VI, VII, VIII) қараб саккиз мажлисга тақсимланган. Бу, албатта, XV-XVI аср адабий, илмий, сиёсий, диний муҳитига доир таҳаллусларнинг номинацион-мотивацион, луғавий-маъновий, ясашиш хусусиятларини қиёсий, ареал, тарихий аспектларда ўрганишда муҳим манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Алишер Навоийнинг тазкирасини тил, ҳажм, материалларнинг бойлиги жиҳатидан давом эттирган Пўлатжон Қаюмовнинг 3 жилддан иборат, 6 дафтарга бўлинган “Тазкираи Қаюмий” (1960) тазкираси ўрта асрлардан то XX асргача яшаб ижод этган 324 нафар шоирнинг таҳаллусларини ўрганишда беназир манбадир.

Фазлий раҳбарлигида шеърӣ усулда яратилган “Мажмуаи шоирон” (1821)¹³ тазкираси XIX аср бошлари Кўкон адабий муҳитига мансуб 101 нафар шоирнинг таҳаллуси ва ижодий концепцияси, бадиий-ғоявий қарашларига боғлиқ қирраларини ўрганишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Ўзбек адабиётшунослигида адабий таҳаллус масаласи махсус тадқиқот объекти сифатида атрофлича ўрганилмаган, бироқ бу таҳаллусларга доир умуман иш қилинмаган, деган ҳулосага олиб келмаслиги лозим. Н.М.Маллаев, В.А.Абдуллаев, Ғ.К.Каримов, А.Қаюмовларнинг дарслик, тадқиқот ва монографияларида ҳам таҳаллуслар тўғрисида қимматли фикрлар берилган.

А.Халилбековнинг “Наманган адабий гулшани”¹⁴, Ғани Мажиднинг “Мен билган андижонлик ижодкорлар”¹⁵ номли китоблари наманганлик, андижонлик шоир ва ёзувчиларнинг таҳаллусларини ҳам адабий, ҳам лисоний жиҳатдан ўрганишда муҳим илмий манба вазифасини бажаради.

Жаҳон адабиётшунослигида таҳаллуслар луғатларини тузиш қадимги даврлардаёқ бошланган. Таҳаллусларга оид илк луғат 1652 йилда яратилган И.Сауэрсунинг “О подписях и знаках, под коими скрыты истинные имена” (“Имзолар ва белгилар, улар остида яширинган ҳақиқий исмлар”) номли ишидир. Кейинчалик Лейпцигда Ф.Гейслер “Об изменениях имен и анонимных писателях” (“Исмларнинг ўзгариши ва номаълум ёзувчилар тўғрисида”, 1669), Гамбургда немис юристи В.Плакий “Обозрение анонимов и псевдонимов” (“Аноним ва таҳаллуслар шарҳи”, 1674) номли рисоласини нашр этди. В.Плакийнинг ўлимидан сўнг бу асар Фабрициус (1698) ва Милиус (1740) томонидан тўлдирилади ва нашр қилинади¹⁶. 1806-

¹¹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1962. – Б. 609.

¹² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 5-ж. – Б. 484.

¹³ Фазлий. Мажмуа шоирон. – Тошкент, 1902 (араб ёзувида).

¹⁴ Қаранг. Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. – Наманган: “Наманган” нашриёти, 2007. – 468 б.

¹⁵ Ғани Мажид. Мен билган андижонлик ижодкорлар. – Андижон: Асл, 2014. – 184 б.

¹⁶ Қаранг. Колосова С. Энциклопедический словарь псевдонимов. – М.: Научная книга, 2017. – С.5.

1809 йилларда Антуан Барбье француз тахаллус ва анонимларини тўплаган ҳамда тўрт томлик луғат ҳолида нашр эттирган¹⁷.

Рус филологиясида ҳам тахаллусларни ўрганиш луғатлар тузишдан бошланган. Библиограф И.Ф.Масанов рус ёзувчи, олим ва сиёсий арбобларининг тахаллусларини тўплаган¹⁸. Кейинчалик бу ишни П.В.Биков давом эттирган¹⁹. В.С.Карцов ва М.Н.Мазаевлар тахаллуслар луғатини тузиш масаласини тадқиқ этган²⁰. С.Колосованинг тахаллуслар қомусий луғатида 2500 га яқин рус ва бошқа халқлар, жумладан, айрим ўзбек сиёсий арбоб, олим, ижодкор ҳамда санъаткорларининг тахаллусларига изоҳ берилган²¹.

Тахаллусларнинг турли жиҳатлари бир қатор рус олимлари томонидан тадқиқ этилган²². К.С.Мочалкинанинг диссертациясида замонавий рус антропонимиясида тахаллусларнинг ўрни, тахаллус танлаш тарихи, тахаллуснинг лингвистик мақоми, турлари, семантик-функционал хусусиятлари, тузилиш моделлари, имловий ва график хусусиятлари XVIII-XIX асрлар бўйича тўпланган тахаллуслар мисолида тадқиқ этилган²³. Бу манбалар жаҳон, жумладан, рус филологиясида тахаллусларга қизиқиш анча олдин бошланганлигини ва бу соҳада маълум ютуқларга эришилганлигини кўрсатади.

Озарбайжон тилшунослигида А.Пашаев ва бошқалар томонидан XI-XII асрлардан то XIX асргача бўлган даврда ижод қилган шоир, адиб, санъаткор, ҳунармандларнинг тахаллуслари лингвистик жиҳатдан ўрганилган, мукамал тасниф қилинган²⁴.

¹⁷ Қораев Т, Вохидов Р. Тахаллуслар. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 4.

¹⁸ Масанов Ю.И. В мире псевдонимов, анонимов и литературных подделок. – М., 1963. – 319 с.

¹⁹ Быков П.В. Материалы для словаря псевдонимов // Российская библиография, 1881. – № 93. – С.362-366.

²⁰ Карцов В.С., Мазаев М.Н. Опыт словаря псевдонимов русских писателей. – Спб.: Б.И., Б.Г., 1891. – 3. – 145 с.

²¹ Колосова С. Энциклопедический словарь псевдонимов. – М.: Научная книга, 2017. – 556 с.

²² Масанов И.Ф., Масанов Ю.И. К истории русского литературного псевдонима // Советская библиография: Сб. статей и материалов. – М.: Всесоюзн. книжн. палата, 1934. – С.118-121; Бондалетов В.Д., Суркова Т.И. Псевдонимы, образованные от топонимов и этнонимов Поволжья // Ономастика Поволжья: Мат. III Поволжск. конф. по ономастике. Сб. 4. Горький, 1976. – С.148-152; Горбаневский М.В. Ономастика в художественной литературе. М.: Изд-во УДН, 1988. – 88 с.; Карпенко М.В. Ономастика в художественной литературе // Ономастика. Проблемы и методы. – М., 1978. – С.169-188; Карпенко Ю.А. Имя собственное в художественной литературе // Филологические науки, 1986. – № 4. – С.34-40; Мароши В.В. Имя автора (историко-типологические аспекты экспрессивности). – Новосибирск, 2000. – 348 с.

²³ Мочалкина К.С. Псевдонимы в системе современной русской антропонимии: Диссер. ... кандидат фил. наук. – Волгоград, 2004. – 184 с.

²⁴ Адилев М., Пашаев А. “Тэхэллүс”, “лэкэб”, “имза” терминлари // Терминология мәсәләләри. – Баки: Элм, 1987; Ҷобанов М. Фамилия. Тэхэллүс. – Тбилиси, 1987; Ҳасиева Й.М., Нуриев А. Азәрбайсан тэхэллүсләринин яранмаси вә инкишәф просеси // Азәрбайсан ономастикаси проблемләри. III. АПІ. Баки, 1990; Сәдиев Ҷ.М. Тэхэллүсләр ҳаққинда // Азәрбайсан ономастикаси проблемләринә даир конфрансин материаллари. – Баки, 1986; Пашаев А. Азәрбайсан тэхэллүсләринин изахл сөзлүйи. – Баки: Элм вә тәхсил, 2015; Адилев М., Пашаев А. “Тэхэллүс”, “лэкэб”, “имза” терминлари // Терминология мәсәләләри. – Баки: Элм, 1987; Ҷобанов М. Фамилия. Тэхэллүс. – Тбилиси, 1987; Ҳасиева Й.М., Нуриев А. Азәрбайсан тэхэллүсләринин яранмаси вә инкишәф просеси // Азәрбайсан ономастикаси проблемләри. III. АПІ. Баки, 1990; Сәдиев Ҷ.М. Тэхэллүсләр ҳаққинда // Азәрбайсан ономастикаси проблемләринә даир конфрансин материаллари. – Баки, 1986.

Ўзбек филологиясида илк бор тахаллуслар адабиётшунослик аспектида Олтой (Б.Қориев), Р.Воҳидовлар томонидан ўрганилган²⁵. Б.Қориев 20-йиллардаги вақтли матбуот саҳифаларидан 430 та тахаллусни тўплаган. Бу адабий тахаллуслар луғатини тузиш соҳасидаги илк қадам эди²⁶, бироқ бу борадаги ишлар тўхтаб қолди. 80-йилларда ўзбек тахаллусларининг луғатини тузиш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланган бўлса-да²⁷, ҳозиргача бундай луғат яратилмади.

Ўзбек адабиётшунослигида Алишер Навоийнинг тахаллуслари Э.Шодиев²⁸, И.Ҳаққул²⁹ лар томонидан ўрганилган. Шунингдек, ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида тахаллуслар, хусусан, тахаллусдошлар, айрим тахаллусларнинг пайдо бўлиши, маънолари ва қўлланиши ҳақида кўплаб мақолалар ёзилган³⁰. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида кўпгина олимлар ўртасида тахаллусларнинг, жумладан, *Навоий*, *Атоий* ва *Мухий* тахаллусларининг имлоси юзасидан мунозаралар бўлган³¹. Э.Бегматов ўзбек тили антропонимик бирликлари, жумладан, тахаллусларини этнолингвистик ҳамда лингвистик йўналишларда кенг илмий таҳлил қилган³².

Н.Ҳусанов Алишер Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис” тазкирасида келтирилган тахаллусларнинг луғавий асослари ва маъноларини берган³³.

Диссертациянинг “**Ўзбек тахаллусларининг номинацион-мотивацион ва лексик-семантик хусусиятлари**” номли 2-бобида тахаллусларнинг хронологик, номинацион-мотивацион, лексик-семантик таснифи ва тавсифи ёритилган.

²⁵ Қориев Б. Адабий тахаллуслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.– Тошкент, 1967. – №1. – Б.51-58; Ўша муаллиф. Тахаллуслар // Фан ва турмуш, 1966. – №4. – Б.20-22; Қораев Т., Воҳидов Р. Адабий тахаллуслар. – Тошкент, 1978.

²⁶ Қориев Б. Адабий тахаллуслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967. – №1. – Б.51-58.

²⁷ Дмитриев В. Псевдонимы узбекских писателей // Звезда востока, 1982. – № 3. – Б.161-162.

²⁸ Шодиев Э. Навоийнинг адабий тахаллуслари // Адабий мерос, 1990. – № 1(51) – Б.24-28.

²⁹ Haqqul I. Alisher Navoiy (Foniy) taxalluslarining ma'no qirralari haqida // Til va adabiyot ta'limi, 2017. – №1. – Б.36-38.

³⁰ Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва Навоий тахаллусли шоирлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. – №1. – Б.42-24; Исоков Ё. Ўн бир Жомий // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968. – №1. – Б.42-45; Ҳасанов М. Айний тахаллусларининг маънолари // Ўқитувчилар газетаси, 1987, 15.VIII; Аҳмадхўжаев Э. “Лутфий” тахаллусли шоирлар //Фан ва турмуш, 1986. – №9. – Б.26-27; Мусурмонов Э. «Машраб» тахаллусли шоирлар ҳақида // Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг айрим масалалари. – Самарқанд, 1995. – Б.30-34; Нафасов Т. Буюк тахаллус қандай яратилган? // Қашқадарё ҳақиқати, 1987, 6.V; Эгамов Ш., Мавлонова Р. Шоира тахаллуслари хусусида // Ўзбек филологияси масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2002. – Б.66-67; Воҳидова Н. “Мажолисун нафоис”даги тахаллусларнинг лисоний хусусиятлари // Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1994. – №4. – Б.47-48; Эргашев Қ. Гадоий тахаллуслари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. – №5. – Б.37-41; Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси(“Тўрўғли” ва “Ошиқнома” туркум дostonлари асосида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори дис. – Самарқанд, 2018. – 190 б; Умарова Н.Тахаллуснинг ундaлма сифaтида қўллaнилиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003. – №4. – Б.80-83 ва бошқaлар.

³¹ Гофур Ф. Атоий эмас Отоий // Ўзбекистон маданияти, 1959, 21.01; Ақобирова Х., Мирзаев М. Отоий эмас, Атоий ! // Ўзбекистон маданияти, 1959, 11.014; Сулаймонов Х. Алишер Навоий номининг ёзиш шакллари ва имлоси ҳақида // Адабий мерос, 1977. – №7. – Б.44-48; Жумаев Н. “То тузди Навоий ояти ишқ” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990, 9.10; Рафитдинов С. Яна Атоий тахаллуси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991. – №3. – Б.41-45. Рустамов А. Еттинчи суҳбат (Атоий тахаллуси имлоси) // Маърифат, 1991. – Б.9-10; Шукуров Ш. Тахаллус ва имло // Ўзбек тили ва адабиёти, 1994. – №1-2. – Б. 26.

³² Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – 264 б.

³³ Ҳусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: Navro'z, 2014. – Б. 87.

Бобнинг 1-бўлимида “Ўзбек тили тахаллусларининг касбий хосланишига кўра таснифи” берилган. Тўпланган материаллар таҳлилидан ўзбек тахаллусларининг касбий хосланишига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

I. Сиёсатчи ва арбобларнинг тахаллуслари: *Маҳмуд Таробий, Дукчи Эшон* (Муҳаммадали Собир ўғли), *Акмал Икром* (А.Икромов), каби.

II. Ижодкорларнинг тахаллуслари: Тахаллусларнинг бу тури анча бой бўлиб, ижод турларига мансублигига кўра қуйидагича таснифланади:

1. Шоир ва ёзувчиларнинг тахаллуслари: *Огаҳий* (Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли), *Гулханий* (Муҳаммад Шариф), *Муқимий* (Муҳаммад Аминхўжа), *Увайсий* (Жаҳонотин), *Абдулла Қодирий* (А.Қодиров) каби.

2. Халқ оғзаки ижоди вакиллари тахаллуслари. Бу гуруҳга кўпроқ халқ бахшиларининг тахаллуслари мансубдир: *Бола бахши* (Қ.Абдуллаев), *Ислом шоир* (Ислом Назар ўғли), *Пўлкан шоир* (Муҳаммад Жомурод ўғли Пўлкан), *Қурбон созчи* (Қ.Исмоилов) каби.

3. Актёр ва режиссёрларнинг тахаллуслари: *Абулфайзий, Бидиёршум, Уйғур //Маннон Уйғур* каби.

4. Драматургларнинг тахаллуслари: *Абдулла Бадрий, Ҳакимзода* (Ҳамза Ниёзий), *Богбон* (Ғ.Юнусов), *Хурийд* (Ш.Шарофиддинов), *Яшин* (К.Нуъмонов) каби.

5. Муסיқачи ва бастакорларнинг тахаллуслари: *Мутрибий, Ноий* (М.Султонмуҳаммад), *Юнус Ражабий, Ғулом Зафарий, Шерозий* (М.Ёқубов) каби.

6. Кўшиқчи ва хонандаларнинг тахаллуслари: *Сардор Раҳимхон* (С.Абдураҳимов), *Севара Назархон* (С.Назархонова), *Алишер Файз* (А.Турдиев), *Дилсўз* (Г.Жуманиёзова), *Зиёда* (З.Қобилова), *Каниза* (Ш.Аҳмедова) каби.

7. Қизиқчи, аскиячи ва сўз усталарининг тахаллуслари: *Абдулла фонус, Ака Бухор* (Б.Зокиров), *Зокир эшон* (Рустам Меҳтар ўғли), *Саидаҳмад аския, Юсуфжон қизиқ* (Ю.Шакаржонов), *Аваз Охун* (А. Охунов) каби.

III. Алломалар, олимларнинг тахаллуслари: *Маҳмуд Кошғарий, Қафқол Шоший, Абдураззоқ Самарқандий, Али Қушчи, Насафий, Ғози Юнус, Олим Усмон* каби.

IV. Ўқитувчи ва зиёлиларнинг тахаллуслари: *Мухтор Бакир, Оллоберган Пўлат* (О.Пўлатов), *Шокир Сулаймон* (Ш.Сулаймонов) каби.

V. Табибларнинг тахаллуслари: *Абу Абдуллоҳ Илоқий* (Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф), *Боқий Жарроҳ Самарқандий, Зайниддин Журжоний* (Абу Иброҳим ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Ҳусайний), *Табибий* (Аҳмад Али Муҳаммад ўғли), *Тоҳир Марвазий* каби.

VI. Рассомларнинг тахаллуслари: *Анвар Мирзо* (А.Мирсоатов), *Ҳамдамий* (Ҳ.Баҳром), *Акмал Нур* (А.Нуриддинов), *Усто Мўмин* (А. В.Николаев) каби.

VII. Ҳунармандларнинг тахаллуслари: *Паранг* (Ҳ.Нажмиддинов, ўймакор, безакчи), *Комил Девоний* (Муҳаммадкомил Исмоил Девон ўғли,

наққош), *Уста Ширин* (Ш.Муродов, меъмор), *Уста Шариф* (Ш.Саидов, ўймакор, дурадгор) каби.

“Ўзбек тили тахаллусларининг номинацион-мотивацион хусусиятлари”. Номловчи шахсга хос муҳим деб ҳисоблаган белги-хусусиятни ном учун мотив қилиб олади. Бошқа антропонимик бирликлар қатори тахаллуслар ҳам мотивсиз юзага келмайди ва мотивсиз исм бўлмаганидек, тахаллус ҳам йўқ.

Т.Қораев, Р.Воҳидовлар адабий тахаллусларнинг мотивларини принцип термини остида таснифлаган бўлсалар³⁴, Н.Хусанов тарихий тахаллусларни таснифлайди ва таҳлилинни беради³⁵. Биз ана шу манбаларга ижодий ёндашган ҳолда, ўзбек тахаллусларини мотивацион-номинацион жиҳатдан қуйидагича гуруҳладик:

I. Ижодкор ва санъаткорларнинг туғилган ва яшаш жойи мотивацияси асосида яратилган тахаллуслар. Бундай тахаллусларга топонимлар луғавий асос бўлади. М., *Аҳмад Югнакий* (Аҳмад бинни Маҳмуд), *Бухорий // Бухорий Носир*, *Кеший* (Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Хумайд ал-Кашший), *Рабғузий* (Носириддин Бурхониддин ўғли), *Чустий* (Н.Хўжаев), *Водилий* (А.Сўфиев) каби.

II. Ижодкор ва санъаткорларнинг ота-боболари, авлод-аждодлари ҳамда устозларига эҳтироми, ҳурмати, садоқати мотивацияси асосида танланган тахаллуслар. *Атоий*, *Сўфий* (Илёс Мулла Муҳаммад ўғли), *Сўфизода* (Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли), *Отаёр* (О.Наҳанов), *Каниза* (Ш.Аҳмедова) каби.

III. Ижодкор ва санъаткорларнинг касб-кори, ҳунари ва қўшимча меҳнат фаолияти мотивацияси асосида танланган тахаллуслар. Шоир, ёзувчи ва санъаткорларнинг айримлари ижод қилиш баробарида муайян касб-ҳунар билан шуғулланганлар ва шунга монанд тахаллус танлаганлар. Бундай тахаллуслар *профонимлар* дейилади. Ўзбек тилидаги профонимлар металлсозлик (*Қаффол* (Абу Бақр Муҳаммад ибн Али ал-Қаффол аш-Шоший ал Кабир), *Саккокий*); чармгарлик (*Хиромий* (Мулло Қурбон); тўқувчилик (*Наддоф* (Абу Бақр Кулуий (Калавий), *Чархий* (А.Ҳамроалиев); овчилик (*Сайёдий* (Саййид Муҳаммад); табиблик (*Табибий* (Аҳмад Али Муҳаммад ўғли), *Ҳақимзода* (Ҳамзахон ибн Ямин ўғли) касб-ҳунарига боғлиқ тахаллусларга бўлинади.

IV. Ижодкорлар, санъаткорлар ва ота-боболарининг мансаби, лавозими мотивацияси асосида танланган тахаллуслар (типлонимлар). М., *Хос Ҳожиб* (Юсуф), *Ҳожа* (Ибодулла Саййид Подшохожа бинни Абдулваҳҳобхожа), *Шоҳий* (Султон Масъуд Мирзо Шоҳий), *Дабир* (Мирза Шарифжон), *Дабирий* (Остонакул Абдушукур ўғли) каби.

V. Ижодкор ва санъаткорлар ҳамда уларнинг авлод-аждодларининг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий-сиёсий мавқеи, табақалари, диний эътиқоди, қарашлари, амаллари мотивацияси асосида танланган тахаллуслар.

³⁴ Қораев Т., Раҳимов В. Ўша асар, 63-б.

³⁵ Хусанов Н. Ўша монография, 91-95-б.

Ажзий (Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли), *Маҳдий* (Мулла Аҳмад ўғли), *Нозил* (Авазмухаммад ибн Ҳожимухаммад), *Тажаллий* (Набираи Ҳусайнхон), *Хатмий* (Султон Ҳусайн) каби.

VI. Ижодкор ва санъаткорларнинг ташқи қиёфаси, кўриниши, хусни, бошқа физиологик белги-хусусиятлари ҳамда соғлиги мотивацияси асосида танланган тахаллуслар: *Занги Ота* (Ойхўжа ибн Тошхўжа), *Барно* (Дилшод Раҳимкул Сўфи кизи), *Инжиқ* (Ғ.Мелибоев) каби.

VII. Ижодкор ва санъаткорларнинг яшаш, турмуш тарзи, шароити, оилавий аҳволи, ижтимоий, моддий, маънавий ҳаёти мотивацияси асосида танланган тахаллуслар. *Фурқат* (Зокиржон Холмухаммад ўғли), *Маҳзуна* (Меҳрибон мулла Бошмон кизи), *Мискин* (Ғуломхалил Тошмухаммад ўғли) каби.

VIII. Ижодкор ва санъаткорларнинг ижодий концепцияси, ички дунёси, маънавий, руҳий қарашлари, ҳолати, ҳис-туйғулари, орзу-истаклари, ниятлари мотивацияси асосида танланган тахаллуслар: *Лутфий* (Мавлоно Лутфий), *Сайқалий* (Муҳаммад Собир Ҳожи ўғли), *Роиқ* (Мулла Абдулҳақ), *Аламкаш* (У.Ислом ўғли), *Афсус* (Тўраҳон Маҳмуд), *Ирода Дилроз* (И.Йўлдошева), *Дилсўз* (Ғ.Жуманиёзова), *Шаҳзода* (З.Мусаева) каби.

IX. Шоир ва ёзувчиларнинг исми-фамилиясини яшириш, ўзини бадий (салбий) тимсоллар исми билан аташ, муайян жанрга хос бадийлик ҳамда образлиқ хусусиятларни ифодалаш мотивацияси асосида танланган тахаллуслар. М., А.Қодирийнинг *Лакаланг Маҳзум*, *Овсар*, А.Қаҳҳорнинг *Норин шилтиқ*, *Саримсоқ*, Мавлоно *Куфур*, *Ниш*, Ғ.Ғуломнинг *Кўса*, *Кўсасерсоқол*, *Нуртой* каби кўшимча тахаллуслари ана шундай номлар сирасига киради.

X. Ижодкор ва санъаткорларнинг бошқа улуғ, машҳур шундай шахслар ҳамда уларнинг ижодига ҳавас қилиш мотивацияси асосида танланган тахаллуслар: *Шерозий* (М.Ёқубов), *Афлотун* (У.Қурбонов) каби.

Ўзбек тилидага тахаллусларнинг барчаси мукамал, мезонлар даражасида деб бўлмайди, «...ўзбек адабий тилида исмлар соҳасида нимаики бўлса, тўғри экан, ҳар қандай номни маъқуллайтириш мумкин экан, деган бир томонлама фикр туғилмаслиги керак. Ўзбек исмлари орасида баъзи бир танқидий баҳолашга муҳтож бўлган номлар, расм-русум, одатлар бор. Номларимиз орасидаги баъзи исмлар мазмунан ноқулай, тушунарсиз ва сийқа³⁶. Олимнинг бу фикрлари тахаллусларга ҳам хос. Тилимизнинг миллий мезонларига мос келмайдиган тахаллуслар ҳам кузатилади. Бизнингча, ижодкор ва санъаткорлар тахаллус танлашда қуйидаги талаб ва мезонлар ҳамда тавсияларга риоя этишлари мақсадга мувофиқ:

1. Тахаллуслар аниқ, маъноли, тушунарли бўлиши лозим.

2. Тахаллуслар ўзбек тилининг фонетик, лексик-семантик, услубий, график, орфоэпик, орфографик меъёр ҳамда мезонлари асосида танланиши керак.

³⁶ Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. – Б.195.

3. Тахаллуслар морфемик тузилиш жиҳатидан содда бўлиши тавсия этилади.

4. Тахаллуслар ўзбек халқининг миллий, этник, диний эътиқоди, анъаналари ва урф-одатларига мутаносиб тарзда танланиши шарт.

5. Тахаллуслар Шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти, санъатининг анъаналари асосида яратилмоғи талаб этилади.

6. Тахаллуслар ижодкор ва санъаткор ҳамда бошқаларнинг ташқи кўриниши, кифоаси, ижодий концепцияси, орзу-ниятлари, мақсадларига мутаносиб, мос бўлиши зарур.

7. Бадий асарлар, оммавий матбуот нашрлари ва телекўрсатув, радиоэшиттиришларда ижодкор ва санъаткорларнинг тахаллуслари билан исм-фамилияларини ҳам бериш тавсия этилади. Бу тахаллус соҳиби ҳақида тўлиқ маълумот олиш ва уни таниш имконини беради.

Тахаллуслар юзага келиши жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади:

1. Ижодкор ва санъаткорнинг ўзи томонидан танлаган, қабул қилган тахаллуслар. Тахаллусларнинг асосий қисмини худди шундай тахаллуслар ташкил этади.

2. Ижодкор ва санъаткорларнинг устозлари, салафлари ҳамда бошқалар тавсияси, таклифи билан қабул қилинган тахаллуслар. Бу гуруҳга мансуб тахаллуслар кўп эмас. М., *Фарида Афрўз* тахаллусини Ф.Бўтаевага устози Р.Парфи таклиф қилган; Дилноза Шерматова *Паризода* тахаллусини отасининг орзуси, нияти асосида танланган.

“Ўзбек тахаллусларининг гендерологик хусусиятлари”. Тахаллуслар ном эгасининг жинсига ишора қилиб туриши билан гендерологик табиатга эга. Аёлларга хос тахаллусларда бу ёрқин кузатилади. Аёлларнинг тахаллуслари маъноси, луғавий, номинацион-мотивацион асоси, миллий этнографик анъаналарга асосланганлиги билан тавсифланади.

Ўзбек тилидаги аёлларга хос тахаллусларни муаллифларнинг ижодий йўналишига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Аёл шоира ва ёзувчиларнинг тахаллуслари: *Увайсий, Нодирабегим, Анбар отин, Дилшод Барно, Зулфия, Ойдин, Онагул, Олмос, Дилбарбону, Хаёла, Фарида Афрўз, Зулфия Қуролбой қизи, Саломат Вафо, Назира Ас-Салом* каби.

2. Аёл кўшиқчи, хонанда, раққоса ва актёрларнинг ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналарини ижро этувчи халфаларнинг тахаллуслари: *Тамарахоним, Райҳона, Озода Саидзода, Дилсўз, Афсона, Ожиза* (О.Отажонова) каби.

3. Аёл журналистларнинг тахаллуслари: *Нозимахоним, Ойхон Ифрозода* каби.

Диссертацияда мазкур тахаллуслар луғавий ва номинацион-мотивацион асосига кўра таснифланди ҳамда таҳлил қилинди.

Ўзбек тилидаги айрим аёл ижодкор ва санъаткорларнинг тахаллуслари эркаклар исмига асос бўлувчи луғавий бирликлардан ҳосил қилинган: *Мавлоний* (М.Эгамовна), *Ёлқин* (С.Раҳмонова), *Эркин* (М.Раҳим қизи), *Хоний* (Роҳилахон) каби.

Айрим ҳолларда муайян мақсадларда эркак шоир ва ёзувчиларнинг аёлларга хос таҳаллус қўллаган ҳолатлари ҳам кузатилади: *Гулёр, Думбулниса* (А.Қаҳҳор), *Меҳри* (Ҳ.Шукруллаев) каби.

“Айрим таҳаллусларнинг лисоний таҳлили”. М.Н.Чобанов кўп таҳаллусликни омоним таҳаллус деб атайди³⁷. Э.Бегматовнинг фикрича, омоним таҳаллус – шоир ва адибнинг асосий таҳаллусига қўшимча равишда қабул қилган бошқа таҳаллусларидир³⁸. М., шоир ва драматург Абдуллахон Ҳакимхон ўғлининг *Абдулла Авлоний* ва *Индамас* каби доимий; *Арабнажот, Абулфайзий, Аб, Шухрат, Шаналоқ, Чол, Чегибой, Сурайё, Ҳобил, Ҳижрон* каби қўшимча таҳаллуслари бўлган. Албатта, ҳар бир таҳаллус маълум мотивга, луғавий асосга эга бўлиб, муайян мақсадларда яратилган.

Таҳаллуслар қўлланиш ҳолатининг мунтазамлигига кўра, илмий адабиётларда қуйидаги икки турга бўлинади:

1. Ижодкор ва санъаткорлар ижодининг бошидан охирига қадар қўлланган қўшимча номлар **доимий таҳаллуслардир**.

2. Вақтинча, маълум муддатгина қўлланадиган таҳаллуслар **мавсумий ёки қўшимча таҳаллуслардир**. (Қаранг. 3-жадвал).

Доимий ва мавсумий таҳаллусларни тўплаш ҳамда уларнинг мотивацион-номинатив, луғавий асоси, қўлланиш доираси нуқтаи назаридан лисоний тадқиқи қуйидагиларга имкон беради:

1. Шоир ёки ёзувчининг барча тур ва жанрлардаги асарларини тўплаш.
2. Шоир ёки ёзувчининг ижодий концепцияси, позицияси ва тамойиллари ҳамда бадиий-эстетик қарашларини ўрганиш.
3. Шоир ёки ёзувчи ижодининг бадиий, ғоявий тақомилини кузатиш.
4. Таҳаллусларнинг бадиий ва ономастик вазифаларини тўлиқроқ тадқиқ этиш.

Ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий *Қодирий, Жулқунбой* каби доимий ва *Бойқуш, Мирза Соврин, Мухбир Совринбой, Индамас сўфи, Жубой, Ж.Қ, Мирзо Жулқун, Жулқунбой Думбулбой ўғли, Мирза Жулқун, Мулла Жулқунбой, Абу Думбул, Думбул, Думбул девона, Думбулбой ўғли, Калвак махзумнинг жияни, Келин янгаси Думбулниса, Лакаланг, Мухбир Думбул, Муштум, Овсар, Шаккок, Шилгай, Чин дўст, Чичора, Чирманда ботир, Шоший* каби 40 дан ортиқ қўшимча таҳаллуслар билан ижод қилган³⁹.

Бир хил таҳаллусли шоир ва адиблар “ҳамтаҳаллуслар” деб аталади⁴⁰. Э.Бегматов бундай ижодкор ва санъаткорларни “таҳаллусдошлар” деб юритиш лозимлигини қайд этади⁴¹. Биз ҳам шу фикрга қўшилаемиз.

Таҳаллусдошлик қуйидаги омиллар асосида юзага келади:

1. Ижодкор ва санъаткорларнинг фамилия ёки исмларининг бир хиллиги асосида. М., *Усмоний* (М.Усмонов, М.Усмонов) каби.

³⁷ Чобанов М.Н. Фамилия.Тэхэллус. – Тбилиси, 1987. – Б.36.

³⁸ Бегматов Э. Ўша монография, 81-б.

³⁹ Қаранг. Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами. 6 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1995. – 1-ж. – Б.265-294.

⁴⁰ Чобанов М.Н. Фамилия.Тэхэллус. – Тбилиси, 1987. – Б.36.

⁴¹ Бегматов Э. Ўша монография, 81-б.

2. Ижодкор ва санъаткорларнинг туғилиш, яшаш жойларининг умумийлиги асосида. М., *Бухорий* (Мирзо Шамс, Нахлий, Шамсиддин Муҳаммад ибн Муборакшоҳ Мирах, Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Умар Тож Ашшаръиа) каби.

3. Ижодкор ва санъаткорларнинг ижодий концепцияси, орзу-ниятлари, фикр-у ўйлари муштараклиги, ўхшашлиги натижасида. М., *Айн* (О.Шарофуддинов, Садриддин Саидмурод ўғли); *Васфий* (Мулла Жалолхон, М.Мухторов); *Маҳдий* (Бобораҳим Машраб, Мулла Аҳмад ўғли) каби.

4. Ижодкор ва санъаткорларнинг руҳий ҳолати, маиший ҳаёти ўхшашлиги ифодаси сифатида. М., *Мискин* (Ғ.Тошмуҳаммад ўғли, Мулла Қўшоқ) каби.

Диссертациянинг “**Тахаллусларнинг функционал, тузилиш ва ясалиш хусусиятлари**” номли 3-бобида тахаллусларнинг вазифалари, ясалиш усуллари ва тузилишига кўра турлари, моделлари ёритилди.

“**Тахаллусларнинг лисоний вазифалари**”. Тахаллуслар қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Номлаш, аташ вазифаси. Тахаллус маълум ижодкор ва санъаткорнинг исми, фамилияси ва отаисмига кўшимча ном сифатида уни атайди, баъзан исм, фамилия билан биргаликда ёнма-ён ёки алоҳида қўлланади.

2. Ғоявий функцияси. Тахаллуслар ижодкор ва санъаткорнинг тафаккури, ички дунёси, қарашлари, ғояларини ифодалайди. М., шоир, тарихчи, мусиқашунос Муҳаммад Юсуф Бобожонбек ўғлининг *Баёний* тахаллуси уни нозик табиатли баён этувчи бўлиш нияти ифодаси сифатида юзага келган. Буни шоирнинг қуйидаги мисралари ҳам тасдиқлайди:

Баён қойили шукрин этгум аён
Ки, этмиш тилим сўзда равшанбаён
Баёндур каломи Ҳақ, эй раҳшунос,
Деди тангри: “ҳазо баёни линос”.
Бас, ашъорининг дафтарида лақаб
Баёний манга бўлса, эрмас ажаб

Н.Жумаҳўжа, И.Адизовалар эътироф этганларидек, “Ҳақиқатан ҳам, Баёний тахаллусига мос – хоҳ назмига, хоҳ насрий асарларига назар солинг, “сўзда равшанбаён” ижодкор бўлиб етишди. Буни унинг замондошлари эътирофида ҳам кўрамир”⁴².

3. Тахаллуслар муайян ижод ҳамда санъат вакилини бошқасидан фарқлаш, ажратиш билан **фарқлаш функциясини** бажаради. Бу вазифа бир хил исмли ижодкор ва санъаткорларнинг тахаллусларида янада ёрқинроқ кузатилади. М., *Абдулла* исмли бир нечта ижодкорлар бор, улар бир-биридан тахаллуслари билан фарқланади: *Абдулла Ҳотифий* (Абдурахмон Жомийнинг жияни), *Абдулла Авлоний* (Абдуллахон Ҳақимхон ўғли), *Абдулла Бегий*

⁴² Жумаҳўжа Н., Адизова И. Сўздан бақолироқ ёдгор йўқдур // Б.Қосимовнинг умумий таҳрири остида/. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.9.

(А.Мустақаев), *Абдулла Раҳматзода* (А.Раҳматов), *Абдулла Ҳофиз* (А.Файзуллаев), *Абдулла Шер* (А.Шеров) ва бошқалар.

4. Тахаллуслар ўзида маълум ижодкор ва санъаткор ёки бошқа соҳа кишиларининг туғилган жойи, ижтимоий мансублиги, касб-кори, ижобий, салбий руҳий ҳолати ва бошқалар ҳақида маълум информация ҳамда ахборотларни жамлаш, умумлаштириш, ифодалаш, сақлаш ва узатиш билан **ахборот ифодалаш вазифасини** бажаради. М., *Аҳмад Юғнакий* – шоир ва мутафаккир Аҳмад бинни Маҳмуднинг тахаллуси ижодкор туғилган жой номидан олинган бўлиб, шоирнинг Самарқанддаги Югнак қишлоғидан эканлиги ҳақида ахборот беради.

5. Ўзбек тахаллуслари шу миллатга мансуб ижодкор ва санъаткорларнинг қўшимча номи сифатида луғавий асоси, таркибида *бек, бой, хон, жон, бону, бегим, зода* каби антроформантлар, *хожа, хўжа* каби миллий ижтимоий-сиёсий мансубликни ифодаловчи бирликлар, этнонимлар, топонимлар қўлланиши билан **миллий-маданий функция** ҳам бажаради. Бу вазифа деярли барча ўзбек тахаллусларига хос. М., *Ўзтурк* (Р.Парфи), *Элбек* (М.Юсупов) тахаллуслари каби.

6. Тахаллуслар ижодкор ва санъаткорлар номини, асарларини авлоддан авлодга, даврдан даврга олиб ўтиб, унинг адабиёт, санъат тарихидан мустаҳкам ўрин олиши ва сақланишига хизмат қилиши билан **эпистемик функция** бажаради. Анъанага кўра, мактаъларда шоирнинг тахаллуси келтириладик, у шеър муаллифини кўрсатиб турувчи ўзига хос имзо, тамға вазифасини бажаради⁴³. Тахаллусларнинг бу вазифаси *Навоий, Лутфий, Огаҳий, Бобур, Машираб* каби тахаллусларда ёрқин кўринади.

7. Тахаллуслар бадий тимсоллар сифатида қўлланиши, маълум шеърини санъат, шеър унсури учун асос бўлиши билан **эстетик таъсир этиш вазифасини** бажаради.

Тахаллус бир неча шеърини санъат ва унсуслар учун асос бўлади. Ана шундай санъатлардан бири иттифоқ санъатидир. Иттифоқ шоирнинг шеърда ўз номи ёки тахаллусини ҳам истилоҳий, ҳам луғавий маъносидан қўллаш санъатидир⁴⁴. М., Э.Воҳидовнинг айрим ғазалларида *Эркин* луғавий бирлиги ҳам тахаллус, ҳам апеллятив сифатида қўлланиб, иттифоқ санъатини юзага келтирган:

Бу қасидам сенга, халқим,

Оқ суту туз ҳурмати,

Эркин ўғлингман, қабул эт,

Ўзбегим, жон ўзбегим. (Э.Воҳидов, Ўзбегим)

Иттифоқ санъатининг гўзал намуналари А.Навоий, Гадоий, Феруз, Фурқат, Чўлпон, Э.Воҳидов, О.Матжон шеърларида ҳам кузатилади.

Тахаллуслар аллюзия воситаси, кўрсаткичи сифатида матнда қўлланиб, муайян адабий ёки ижтимоий-тарихий далилга ишора сифатида ҳам

⁴³ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.166.

⁴⁴ Қаранг. Ҳамидов З. Навоий бадий санъатлари. – Тошкент, 2001. – Б.51.

қўлланиши мумкин⁴⁵. М., қатағон даврининг мудҳиш оқибатларини тасвирлашда *Қодирий* тахаллуси бир қанча шеърларда аллюзив ном сифатида адиб ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тарихий фактларга ишора қилади⁴⁶:

Ўтган кунинг – ўтган кундир,

Ўз бошингга етган кун,

